В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИМ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

ИСКАНАДЖИЕВ ИКРОМЖОН МАДАШЕВИЧ

АЛЬТЕРНИРЛАНГАН ИНТЕГРАЛ УЧУН АППРОКСИМАЦИОН СХЕМАЛАР ВА УЛАРНИНГ НОЧИЗИҚЛИ БОШҚАРУВ СИСТЕМАЛАРИДАГИ ЯҚИНЛАШИШ МАСАЛАСИГА ТАТБИҚЛАРИ

01.01.02 — Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

УДК: 517.957.56

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Исканаджиев Икромжон Мадашевич
Альтернирланган интеграл учун аппроксимацион схемалар ва уларнинг ночизиқли бошқарув системаларидаги яқинлашиш масаласига татбиқлари .....……..3

Исканаджиев Икромжон Мадашевич
Аппроксимационные схемы для алтернированого интеграла и их приложения к задаче сближения в нелинейных системах управления 25

Iskanadjiev Ikromjon Madashevich
Approximation schemes for the alternating integral and their applications to the problem of convergence in nonlinear control systems …….……47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works…….....51

В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

ИСКАНАДЖИЕВ ИКРОМЖОН МАДАШЕВИЧ

АЛЬТЕРНИРЛАНГАН ИНТЕГРАЛ УЧУН АППРОКСИМАЦИОН СХЕМАЛАР ВА УЛАРНИНГ НОЧИЗИҚЛИ БОШҚАРУВ СИСТЕМАЛАРИДАГИ ЯҚИНЛАШИШ МАСАЛАСИГА ТАТБИҚЛАРИ

01.01.02 — Дифференциал тенгламалар ва математик физика

Физика-математика фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.DSc/FM6 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация В.И.Романовский номидаги Математика институтида ва Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (http://kengash.mathinst.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (http://www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Азамов Абдулла** физика–математика фанлари доктори, академик
Расмий оппонентлар:	**Дурдиев Дурдимурод Қаландарович** физика–математика фанлари доктори, профессор
	Артем Александрович Седаков физика–математика фанлари доктори, профессор
	Саматов Бахром Таджиаҳматович физика–математика фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация ҳимояси В.И. Романовский номидаги Математика Институти, ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 27 » декабрь соат « 10-00 » даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz.).

Диссертация билан В.И.Романовский номидаги Математика Институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (128-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси. Тел.: (+99871)-207-91-40).

Диссертация автореферати 2021 йил « 16 » декабрь куни тарқатилди.
(2021 йил « 16 » декабрь 2-рақамли реестр баённомаси).

У. А. Розиков
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Ж. К. Адашев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

Р. Р. Ашуров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси ўринбосари, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссерацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда зиддиятли бошқариладиган жараёнлар, яъни дифференциал ўйинлар моделларини тадқиқ қилиш каби масалаларга келтирилади. Дифференциал ўйинлар зиддиятли бошқариладиган жараёнларнинг математик модели, масалан, бошқариладиган бир объектни бошқаси томонидан таъқиб қилиш, объектни олдиндан номаълум кучлар таъсири остида бошқариш, ноаниқлик шароитида яшаш муаммоси ва бошқалар бўлганлиги учун бутун дунёда қувиш масаласини ечишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Қувиш масаласини ечиш учун бир неча ёндашув ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги стратегия тушунчасига боғлиқдир. Қарама-қарши объектлар ҳаракатларини бошқариш масаласини ечиш тизимли таҳлил, менежмент бошқаруви ва қарор қабул қилиш назарияларидаги муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият эга вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда дунёда тўғри қувиш усулларида фойдаланиладиган интеграллар учун янги аппроксимацион схемалар, соддалаштирилган формулалар ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади. Қувишннинг иккинчи тўғри усули айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у альтернирланган интеграл тушунчасига асосланган. Альтернирланган интеграл оддий(классик) интеграллардан икки жиҳати билан фарқ қилади. Унинг таърифида кўп қийматли функция (акслантириш) интеграли ва вектор функциялар бўйича кесишма амаллари қатнашади. Ушбу амаллар альтернирланган интегрални, айниқса чизиқли бўлмаган тизимлар учун ҳисоблашни қийинлаштиради. Шу сабабли, альтернирланган интеграл учун тақрибий схемаларни тадқиқ этиш ва уларни чизиқли бўлмаган бошқариш тизимларидаги яқинлашиш масаласига татбиқ этиш ҳозирги куннинг муҳим муаммоларидан ҳисобланади. Шунинг учун альтернирланган интеграл учун янги тақрибий схемаларни ишлаб чиқиш ва уларни турли хил амалий масалаларни ечишга татбиқ қилиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда математиканинг илмий ва амалий татбиққа эга бўлган долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, охирги йилларда дифференциал ўйинлардаги қувишнинг тўғри усуллари интеграллари учун аппроксимацион схемалар ишлаб чиқишда ва уларни амалий масалаларни ечишга татбиқ қилишда салмоқли натижаларга эришилди. «Функционал таҳлил, дифференциал тенгламалар ва математик физика, динамик тизимлар назарияси» фанларининг устивор йўналишларида халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Ушбу қарорнинг

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 292-сон қарори.

бажарилишини таъминлашда альтернирланган интеграл учун янги аппроксимацион схемаларни ишлаб чиқиш ва уларни чизиқли бўлмаган бошқарув тизимларидаги яқинлашиш муаммосига татбиқ қилиш бўйича кейинги изланишларнинг ривожланиши учун муҳим рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентиниг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон "Математика таълими ва фанларини ян да ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон "Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ҳамда мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада ҳизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. "Математика, механика ва информатика" устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.

Альтернирланган интегрални аппроксимациялаш усулларини ишлаб чиқиш ва уларни чизиқли бўлмагаи бошқарув тизимларидаги яқинлашиш муаммосига татбиқ этиш бўйича дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Department of Mathematics and Statics of Loyola University Chicago (АҚШ), University de Bretague Occidenata Le (Франция), Mathematical center for interdiscipline reseach and School of mathematical sciences of Soochow University (Хитой), Chine University of Geoscience, University de Rome "La Sapienza (Италия), Institute of Applied Mathematics and Mechanics of university Warsaw (Польша), Uniuersity of Cambridge (Англия), University Putra (Малайзия), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Россия Фанлар Академиясининг В. А. Стеклов номидаги Математика институти, Россия ФА Урал бўлими Н. Н. Красовский номидаги Математика ва механика институти, Санкт-Петербург давлат университети, Удмуртия давлат университети, Москва физика-техника институти, Россия ФА Бошқарув муаммолари институти, Украина Фанлар Миллий Академиясининг Математика ва Кибернетика институтлари ва бошқа хорижий илмий муассасаларда кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Охирги йилларда дифференциал ўйинлардаги қувишнинг тўғри усуллари интеграллари учун аппроксимацион схемалар ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида бир қатор долзарб муаммолар ҳал қилинган, жумладан, чизиқли дифференциал ўйинлар учун альтернирланган йиғиндиларнинг альтернирланган интегралга яқинлашиш тезлиги, тақрибий альтернирланган йиғиндиларнинг барқарорлиги ва

альтернирланган интеграл учун соддалаштирилган схемалар қуриш, альтернирланган интеграл қуришнинг сонли алгоритмлари, альтернирланган интегралнинг бошқарув функциясини синтез қилишга татбиғи, альтернирланган интегрални Гамильтон-Якоби тенгламаси ва Красовский барқарор кўприги билан боғлиқлик масалалари ҳал қилинган (М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Россия ФА В. А. Стеклов номидаги Математика институти, Россия ФА Урал бўлими Н. Н. Красовский номидаги Математика ва механика институти, Москва физика-техника институти); ночиқли дифференциал ўйинлардаги қувиш ва қочиш масалаларини ечишнинг самарали усуллари, чизиқли бўлмаган системалардаги Понтрягин ва Пшеничний операторлари учун баъзи аппроксимацион схемалар ва уларнинг яқинлашиши (Украина Фанлар Миллий Академияси Кибернетика институти); статик ўйинлардаги оптималлик тамойилини ноантагоник ўйинлар учун регуляризация қилиш ва динамик барқарор, кучли динамик барқарор оптималлик тамойиллари қуриш усуллари таклиф қилинган (Санкт-Петербург давлат университети); дифференциал ўйинлар Гильберт фазосида ўрганилган (Кембриж университети, Малайзия Путра университети).

Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб илмий марказларида дифференциал ўйинлар назарияси ва уларни амалий масалаларга қўллаш бўйича тадқиқот ишлари давом этмоқда. Хусусан, альтернирланган интегрални қуриш учун тақрибий схемаларни ишлаб чиқиш ва уларни ночизиқли тизимлардаги яқинлашиш масаласига қўллаш, дифференциал мутаносибликлар билан тавсифланувчи тизимлар учун қувишнинг тўғри усулларидаги кўп қийматли функциялар интегралларини ҳисоблаш учун тақрибий схемалар ишлаб чиқиш ва шунингдек, чекланган вақт оралиғида ноаниқ параметрларга эга бўлган системаларда бошқарув масалалари; чексиз ўлчовли фазоларда ва чексиз чегараланмаган соҳаларда гуруҳли қувиш, вектор майдонларида чизиқли бўлмаган стационар ўйинларни ечиш учун сонли усулларни ишлаб, ахборот кечикувчи дифференциал ўйинлар учун Нэш мувозанат ҳолати, Гильберт фазосидаги чизиқли бўлмаган дифференциал ўйинлар қийматининг мавжудлигини тадқиқ этиш каби устивор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дифференциал ўйинларни дастлаб Р. Айзекс ўрганган бўлиб, унинг машҳур монографиясида жуда кўп ўзига хос масалалар кўриб чиқилган ва ечимнинг мураккаблигига қисман ойдинлик киритилган. Кейинроқ Н. Н. Красовскийнинг ёндашувига кўра, ўйинчилар позицион стратегияларни танлаб ва алтернатива шаклида дифференциал ўйин ечими мавжудлиги исботланган. Дифференциал ўйинларга бундай ёндошувларни ривожлантиришга Ю. С. Осипов, А. И. Субботин, А. Б. Куржанский, А. В. Кряжимский, Ф. Л. Черноусько, В. Н. Ушакова, А. Г. Ченцов, Н. Ю. Лукоянов, Н. Н. Субботина, В. Е. Третьяков, В. И. Ухоботов ва бошқалар ўз ҳиссаларини қўшган. Ю. С. Осиповнинг ишларида дифференциал-айирмали ўйинларда қувишни якунлаш учун етарли шартлар топилган бўлиб, бу шартларни топишда

“минимакс дастурий сингдириш” усулидан фойдаланилган. Нейтрал типдаги “меросли” ахборотга эга чизиқли бўлмаган дифференциал ўйинлар учун тақрибий ечимлар қуриш масалалари Н. Ю. Лукаянов томонидан ўрганилган. В. Н. Ушаков изланишларида чекли вақт оралиғида номаълум параметрли бошқарув тизимларида яқинлашиш масаласини ҳал қилиш мумкин бўлган тўпламни топишнинг тақрибий усуллари ишлаб чиқилган.

Л. С. Понтрягин ёндашувида дифференциал ўйинларда қувиш масаласини ечиш биринчи ва иккинчи тўғри усулларга асосланади. Н. Ю. Сатимов ва Е. Ф. Мищенколарнинг ишларида эса қувишнинг иккинчи тўғри усули квазичизиқли дифференциал ўйинлар учун умумлаштирилган ва биринчи тўғри усулнинг турли модификациялари таклиф қилинган. А. А. Азамов альтернирланган интеграл назариясида иккиламчилик принципини исботлаб, бундай интегрални қуриш учун турли соддалаштирилган схемаларни таклиф қилди. Ҳамда альтернирланган интегралнинг дифференциал ўйин бошланғич берилганлари бир томонлама ўзгаришига нисбатан ярим барқарор эканлигини кўрсатди. Б. Н. Пшеничний томонидан иккинчи тўғри усул ночизиқли дифференциал ўйинлар учун умумлаштирилиб, операторли тузилишлар ёндашувини яратди, кейинроқ унинг ёндашуви Е. С. Половинкин томонидан ноавтоном дифференциал ўйинлар учун ривожлантирилди. Альтернирланган интеграл таърифида қатнашаётган кўп қийматли функция интеграли ҳисоблашларни қийинлаштириши муносабати билан М. С. Никольский чизиқли дифференциал ўйинлардаги альтернирланган интеграл учун соддалаштирилган схемани таклиф қилди. А. Б. Куржанский, Н.Б. Мельников, Е. С. Половинкин, Г. Г. Иванов, М. В. Балашов, Р. Х. Константинов, А. В. Хорев ва Д. Б. Силинлар томонидан чизиқли дифференциал ўйинлар учун альтернирланган интегрални тақрибий ҳисоблаш масаласи ривожлантирилди.

Ҳозирги вақтда альтернирланган интеграл учун аппроксимацион схемалар асосан чизиқли дифференциал ўйинлар учун ишлаб чиқилган бўлиб, ночизиқли дифференциал ўйинлар учун ўрганилмаган. Кўп иштирокчили, иштирокчилари турли ахборотли ва иштирокчилар жоиз функциялари турли чегаралганликларга эга бўлган дифференциал ўйинлар назарияси Н. Ю. Сатимов, А. А. Азамов, Л. А. Петросян, Б. Н. Пшеничний, М. С. Никольский, Б. П. Гусятников, Е. С. Половинкин, А. А. Чикрия, Г. Ц. Чикрия, Н. Л. Григоренко, А. С. Мищенко, Б. Б. Рихсиев, А. З. Фазилов, М. Тўхтасинов, М. Ш. Маматов, Б. Т. Саматов, Г. Ибрагимов, А. Ш. Кучкаров ва Н. Мамадалиевнинг илмий изланишларида тадқиқ этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ф4-ФА-Ф014 рақамли "Динамик ва бошқариладиган тизимларда траекторияни кузатиш ва стратегияларни синтез қилиш усулларини ривожлантириш ва уларни иссиқлик ва кимёвий жараёнларнинг математик моделларига татбиқ қилиш” (2012-2016 йиллар) грант тадқиқоти ва ОТ-Ф4-84 рақамли "Полиномиал тизимлар учун дискрет

сонли усуллар ва уни циклик ва бошқариладиган жараёнларни моделлаштиришга татбиғи” (2017й. ва ҳ.в) мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади альтернирланган интеграл учун янги аппроксимацион схемалар ишлаб чиқиш ва уларни чизиқли бўлмаган бошқарув тизимларидаги яқинлашиш масаласига қўллашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

альтернирланган интеграл учун янги аппроксимацион схемалар қуриш ва уларни ночизиқли бошқарув тизимларидаги яқинлашиш масаласига татбиқ қилиш ҳамда дифференциал муносиблик учун альтернирланган интегралнинг ярим гуруҳлик хоссасини исботлаш ва рекуррент муносабатни келтириб чиқариш;

дифференциал муносиблик учун қуйи альтернирланган интеграл учун янги соддалаштирилган формулалар яратиш ва уни яқинлашиш масаласига татбиқ қилиш ҳамда квазичизиқли тизимлар учун альтернирланган интеграл иккиламчилиги муносабатини исботлаш ва уни қувиш масаласига татбиқ этиш;

биринчи ва умумлашган биринчи тўғри усул интегралини юқоридан ва қуйидан берилган аниқликда аппроксимацияловчи янги схемаларни таклиф қилиш ҳамда қувишнинг биринчи ва умумлашган биринчи усул интеграл-ларининг дифференциал ўйин дастлабки берилганларининг бир томонлама ўзгаришига нисбатан ярим барқарорлигини ўрнатиш;

чизиқли бўлмаган дифференциал ўйинлардаги асосий операторлар учун янги соддалаштирилган схемалар қуриш, шунингдек қуйи ва юқори операторларни ўйин дастлабки берилганлари бир томонлама ўзгаришига нисбатан барқарорлигини ўрнатиш ҳамда белгиланган вақтли чизиқсиз дифференциал ўйинлар учун юқори ва қуйи операторлар ўртасида муносабат ўрнатиш ва уни чизиқли бўлмаган тизимлардаги яқинлашиш масаласига татбиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти. Кўп қийматли акслантиришлар ва қувишнинг тўғри усуллари интеграллари.

Тадқиқотнинг предмети. Кўп қийматли акслантиришлар назарияси, дифференциал муносибликлар назарияси, альтернирланган интеграллар назарияси, Пшеничний ва Понтрягин операторлари назарияси.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида кўп қийматли акслантиришлар ва қаварик таҳлил усуллари, Понтрягин ва Пшеничний операторлари усуллари, замонавий дифференциал тенгламалар усуллари ҳамда чизиқсиз таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дифференциал муносибликлардаги юқори ва қуйи альтернирланган интеграллар учун янги аппроксимацион схемалар ишлаб чиқилган ҳамда квазичизиқли дифференциал ўйинлар учун юқори ва қуйи альтернирланган интеграллар ўртасида иккиланганлик муносабати ўрнатилган;

дифференциал муносибликлардаги қувишнинг биринчи тўғри усули интегралини стробоскопик стратегиялар синфида қувишни берилган вақтда

тугатиш учун зарур ва етарли эканлиги исботланган;

қувишнинг биринчи ва умумлашган биринчи усули интегралларини юқори ва қуйидан берилган аниқликда аппроксимацияловчи янги тақрибий схемалар қурилган ва уларнинг дифференциал ўйин дастлабки берилганларга нисбатан ярим барқарорлиги исботланган;

чизиқсиз дифференциал ўйинлардаги қуйи ва юқори операторларнинг ярим барқарорлиги исботланган, шунингдек тугатилиши тайинланган чизиқсиз дифференциал ўйинлар учун юқори ва қуйи операторлар орасида муносабат ўрнатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси дифференциал муносибликлардаги альтернирланган интеграл учун аппроксимацион схемалар қуриш усулларини ривожлантириш асосида менежмент, автоматика, узоқ муддатли башоратлаш, технологик жараёнларни бошқариш ва техникада учрайдиган бошқа масалаларни ечиш имкониятининг яратилганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация тадқиқотида келтирилган барча тушунчаларнинг аниқлиги ва равшан ифодаланганлиги, барча натажалар исботининг дедуктив қатъийлиги, хулосаларнинг тўғрилиги ва маълум тушунчалар ва фактлардан фойдаланилган ҳолатларда манбаларга етарлича ҳаволалар келтирилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишда олинган натижалардан дифференциал муносиблик билан тавсифланувчи зиддиятли бошқарилувчи тизимлар учун қувишнинг тўғри усулларидаги интеграллар учун тақрибий схемалар ишлаб чиқишнинг кейинги ривожида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти уларни ноаниқлик шароитида бошқариладиган жараёнларнинг амалий масалаларини ҳал қилишда, шунингдек тизимли таҳлил, қарор қабул қилиш, менежмент ва узоқ муддатли башоратлаш муаммоларини ҳал қилишга татбиқ этиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Альтернирланган интеграл учун аппроксимацион схемалар ва уларнинг ночизиқли бошқарув системаларидаги яқинлашиш масаласига татбиғи бўйича олинган натижалар асосида:

квазичизиқли ўйинлар учун юқори ва қуйи альтернирланган интеграллар ўртасида ўрнатилган иккиланганлик муносабатидан ОТ-Ф4-33 рақамли «Дифференциал тенгламалар билан ифодаланувчи зиддиятларни бошқаришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва уларни сонли амалга ошириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада зиддиятли вазиятларни бошқаришда позицион стратегияларни қуришда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий университетининг 2021 йил 10-ноябрдаги №04/11-7212-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши зиддиятли вазиятларда ночизиқли тизимларни бошқаришда биринчи ва иккинчи тўғри усулларда позицион стратегияларни қуришда ва уларни сонли амалга оширишда ҳосил бўладиган чизиқсиз бошқарув масаласи ечимининг етарли шартларини топиш имконини берган;

дифференциал муносибликлар билан тавсифланувчи ўйинлардаги қувишнинг тўғри усуллари интеграллари учун янги аппроксимацион схемалар ва уларнинг бошқарилувчи чизиқсиз тизимлардаги тескари алоқадорлигидан «Плазмали технологиялар» мавзусидаги хорижий лойиҳада соленоидал ва магнитоквадрупол майдонларни дискретлаштириш ва зарядланган заррачалар оқимини бошқариш масаласини ечишда фойдаланилган (Самара давлат техника университетининг 2021 йил 28 апрелдаги №01.0202/12-25-сонли маълумотномаси, Россия). Илмий натижанинг қўлланилиши соленоидал ва магнитквадрупол майдонларни бошқаришнинг дискретлаштириш усулини ва зарядланган заррачалар оқимини бошқаришнинг оптимал ечимини топиш имкониятини берган;

қувишнинг биринчи тўғри усули интегралини берилган аниқликда юқоридан ва қуйидан аппроксимацияловчи тақрибий схемаларидан AP05133858 рақамли «Сингуляр тарқалган тенгламалар контраст тузилмалари ва уларга фазовий ўтишлар тадбиғи» мавзусидаги хорижий лойиҳада сингуляр тарқалган тенгламалар контраст структураларини топишда фойдаланилган (Ҳ. А. Яссавий номидаги қозоқ-турк халқаро университетининг 2021 йил 10 ноябрдаги №19-сонли маълумотномаси, Қозоғистон). Илмий натижани қўлланиши дифференциал муносибликлар билан тавсифланувчи сингуляр тарқалган тенгламалар фазовий структурасида ва ўтишларида контраст ёпиқ траекториялар мавжудлигини исботлаш имконини берган;

дифференциал муносибликлардаги юқори ва қуйи альтернирланган интегралларга асосланган қувиш усулларидан 01-01-16-1840FR рақамли «Евклид метрикали кўпҳилликларда кўп қувловчили қувиш-қочиш дифференциал ўйинлари масаласини ечишнинг янги усуллари» мавзусидаги хорижий лойиҳада ўйинчилар бошқарувига геометрик ва интеграл чекловлар қўйилганда чексиз ўлчовли фазоларда дифференциал ўйинлардаги қувиш масаласини ечишда фойдаланилган (Путра Малайзия университетининг 2020 йил 12 ноябрдаги маълумотномаси, Малайзия). Илмий натижанинг қўлланилиши ўйинчилар бошқарувига геометрик ва интеграл чекловлар қўйилганда чексиз ўлчовли фазоларда дифференциал ўйинларда қувишни тугатишнинг етарли шартини топиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 20 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 10 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан 6 таси хорижий ва 7 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш қисми, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 191 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг "**Дифференциал мансубликлар учун қувишнинг биринчи тўғри усули интегралини аппроксимациялаш**" деб номланувчи биринчи боби тўртта параграфдан иборат бўлиб, у қувишнинг биринчи тўғри усули интегралига бағишланган.

Биринчи бобнинг биринчи параграфида дифференциал мансублик билан тавсифланувчи ўйинларда қувувчининг стробоскопик ва деярли стробоскопик стратегиялари аниқланган ва дифференциал мансубликлар учун қувишнинг биринчи тўғри усули интегралининг стробоскопик стратегиялар синфида ўйинни белгиланган вақтда тугатиш учун зарур ва етарли зканлиги исботланган.

Қуйидаги бошқарилувчи системани қараймиз

$$\dot{z} \in -F(t,v) \tag{1}$$

бу ерда $z \in R^d$, $v \in Q \in K^q$, $t \in I$, $F : I \times Q \to coK^d$ – узлуксиз (Хаусдорф метрикасида) акслантириш. Бундан ташқари яна $M \in R^d$, M – терминал тўплам ҳам берилган.

Агар A евклид фазоси қисм тўплами бўлса, барча $a(\cdot) : \Delta \to A$ ўлчовли функциялар оиласини $A[\Delta]$ билан белгилаймиз. Барча $z(\cdot) : J \to R^d$ абсолютузлуксиз функциялар синфини $AC(J)$ орқали белгилаймиз. Ихтиёрий $v(\cdot) \in Q(I)$ функцияни қочувчининг жоиз бошқаруви деб атаймиз.

Энди $F(t,v)$ акслантиришнинг I кесмадаги барча $U : I \times Q \to R^d$ бир қийматли Борель бўйича ўлчовли селекторлари (кесимлари) оиласини $P_B = \{U\}$ билан белгилаймиз. P_B га тегишли ҳар бир U элементни қувувчининг стробоскопик сратегияси деб атаймиз. Ҳар бир бошланғич нуқта $\xi \in R^d$, қувловчи стратегияси $U \in P_B$ ва $v(\cdot) \in Q(I)$ қочувчи жоиз бошқарувига қуйидаги $z(\cdot) \in AC(I)$ функцияни мос қўямиз:

$$z(t,\xi,U,v(\cdot)) = \xi - \int_0^t w(t)dt \text{, где } w(t) = U(t,v(t)), t \in I.$$

$z(t) = z(t,\xi,U,v(\cdot))$ функцияни бошланғич $\xi \in R^d$ нуқтага, қувловчи стратегияси $U \in P_B$ ва қочувчининг $v(\cdot) \in Q(I)$ жоиз бошқарувига мос келувчи (1) тизимнинг $I = [0,\tau]$ кесмадаги траекторияси деб атаймиз.

1-таъриф. Айтамизки, (1) ўйинда $\xi \in R^d$ бошланғич ҳолатдан τ вақтда (τ вақтгача) қувишни P_B стратегиялар синфида тугаллаш мумкин дейилади, агарда қочувчининг ихтиёрий $v(\cdot) \in Q(I)$ бошқарув функцияси учун қувувчининг шундай $U \in P_B$ стратегияси мавжуд бўлсаки, (1) системанинг $\xi, U, v(\cdot)$ учликка мос келувчи $z(t, \xi, U, v(\cdot)) \in \Gamma(\xi, U, v(\cdot))$ траекторияси учун $z(\tau) \in M$ ($z(t^*) \in M$ бирор $t_* \in I$) муносабат ўринли бўлса.

Кўп қийматли $X(\cdot):[\alpha, \beta] \to C^d$ акслантиришнинг $[\alpha, \beta]$ кесмадаги интеграли деб, унинг барча $x(\cdot):[\alpha, \beta] \to R^d$ бир қийматли интегралланувчи селекторларининг интеграллари $\int_\alpha^\beta x(t)dt$ тўпламига айтилади, яъни

$$\int_\alpha^\beta X(t)dt = \left\{ \int_\alpha^\beta x(t)dt \,\middle|\, x(t) \in X(t)d, t \in [\alpha, \beta] \right\}.$$

Энди

$$W^\tau = M + \int_0^\tau \bigcap_{v \in Q} F(t, v)dt,$$

1-теорема. Агар $z_0 \in W^\tau$ бўлса, у ҳолда (1) ўйинда z_0 ҳолатдан белгиланган τ вақтда (τ вақтгача) қувишни P_B стратегиялар синфида тугаллаш мумкин.

I кесманинг барча бўлакларга бўлишлар

$$\omega = \{0 = \tau_0 < \tau_1 < \ldots < \iota_{n-1} < \tau_n = \tau\}$$

тўпламини Ω, $\Delta_i = [\tau_{i-1}, \tau_i]$, $\delta_i = |\Delta_i|$, $|\omega| = \max\limits_{1<i<n} \delta_i$ билан белгилаймиз.

M фазо R^d нинг қисм фазоси бўлсин, L унинг R^d га ортогонал тўлдирувчиси, π оператор R^d дан L га ортогонал проекцияловчи оператор бўлсин ва $\omega \in \Omega$. Белгилаймиз

$$F_i = \bigcap_{v \in Q} \int_i \pi F(t, v(t))dt, \; F(\omega) = \sum_{k=1}^n F_i, \; W^F = \bigcap_{\omega \in \Omega} F(\omega).$$

Бу ерда $\int_i$ интеграл $\Delta_i = [\tau_{i-1}, \tau_i]$ кесма бўйича олинади.

2-теорема. Қуйидаги тенглик ўринлидир

$$W^F = \int_0^\tau \bigcap_{v \in Q} \pi F(t, v)dt.$$

3-теорема. (1) ўйинда z_0 ҳолатдан белгиланган τ вақтда қувишни P_B стратегиялар синфида тугаллаш учун

$$\pi z_0 \in \int_0^\tau \bigcap_{v \in Q} \pi F(t, v)dt$$

бўлиши зарур ва етарлидир.

Энди $\gamma(\delta)$ – $F(t, v)$ акслантиришнинг узлуксизлик модули, яъни.

$$\alpha(\delta)=\max\left\{h\left(F\left(t_1,\upsilon_1\right),F\left(t_1,\upsilon_1\right)\right)\middle|\,|t_1-t_2|\le\delta,|\upsilon_1-\upsilon_2|\le\delta,t_1,t_2\in I,v_1,v_2\in Q\right\},$$

H эса R^d фазодаги бирлик ёпиқ шар бўлсин. $A,B\in K^d$ тўпламлар учун Хаусдорф метрикаси қуйидаги формула билан аниқланади

$$h(A,B)=\min\{r>0\,|\,A\subset B+rH,B\subset A+rH\}.$$

Диссертациянинг биринчи боби иккинчи параграфи дифференциал мансублик учун қувишнинг биринчи тўғри усули интегралини берилган аниқликда юқоридан аппроксимацияловчи тақрибий схемаларни қуришга бағишланган.

Биринчи тўғри усул интегралининг топишда асосий қийинчилик

$$\int_0^\tau \bigcap_{v\in Q} F(t,v)dt$$

кўринишдаги интегрални ҳисоблашдан иборат. Шунинг учун қуйида шу кўринишдаги интегралларни ҳисоблаш учун тақрибий схемаларни келтирамиз.

2-теоремада $\int_0^\tau \bigcap_{v\in Q} F(t,v)dt=W^F$ тенглик ўринлиги кўрсатилганлиги учун қуйида кўпроқ W^F белгилашдан фойдаланамиз.

4-теорема. ε- етарлича кичик мусбат сон бўлсин. У ҳолда шундай $\delta=\delta(\varepsilon)>0$ мавжудки, барча $|\omega|<\delta$ шартни қаноатлантирувчи $\omega\in\Omega$ бўлаклашлар учун $h[W^F,F(\omega)]<\varepsilon$ тенгсизлик ўринлидир.

$\omega_n=\{0,\delta_n,...,(n-1)\delta_n,\, n\delta_n=\tau\}-I$ кесмани тенг (текис) бўлаклашлар кетма – кетлиги бўлсин.

1-натижа. Ихтиёрий $\varepsilon>0$ учун шундай натурал сон $N=N(\varepsilon)$ мавжудки, барча $n>N$ учун қуйидаги муносабат ўринлидир

$$W^F\subset F(\omega_n)+\varepsilon H,\qquad F(\omega_n)\subset W^F+\varepsilon H.$$

Қуйидаги тўпламларни аниқлаймиз

$$\tilde{F}_i=\bigcap_{v\in Q}[F(\xi_i,v)+\delta_n\gamma(\delta_n)H],\quad \tilde{F}(\omega_n)=\sum_{i=1}^{n}\tilde{F}_i \tag{2}$$

5-теорема. $W^\tau=\bigcap_{\omega_n\in\Omega}\tilde{F}(\omega_n)$ тенглик ўринли.

2-натижа. Ихтиёрий $\varepsilon>0$ учун шундай натурал сон $N=N(\varepsilon)$ мавжудки, барча $n>N$ учун қуйидаги муносабатлар ўринли

$$W^F\subset\tilde{F}(\omega_n)+\varepsilon\tilde{H},\quad \tilde{F}(\omega_n)\subset W^F+\varepsilon H.$$

Шуни таъкидлашимиз керакки, $\tilde{F}(\omega_n)$ тўпламни қуришда кўп қийматли акслантириш интеграли қатнашмайди ва у W^F интегрални юқоридан аппроксимация қилади, яъни ихтиёрий $\omega_n\in\Omega$ учун $W^F\subset\tilde{F}(\omega_n)$. Бунда ҳар бир $\tilde{F}_i$ қуришда $\delta\gamma(\delta)H$ қўшилувчи қатнашади. Агар $\tilde{F}(\omega_n)$ тўпламни $\delta\gamma(\delta)H$ қўшилувчисиз қурсак 5-теорема ўринли бўлмайди.

$F(t,v)=\exp(tC)f(P,v)$, $P\in K^p$, $v\in Q$ ва $f:P\times Q\to coK^d$ – узлуксиз бўлган ҳолда дифференциал мансублик билан тавсифланувчи ўйинлар учун биринчи тўғри усул интегралини юқоридан аппроксимацияловчи соддалаштирилган янги схемалар келтирилган.

Биринчи бобнинг учинчи параграфи дифференциал мансублик учун қувишнинг биринчи тўғри усули интегралини қуйидан берилган аниқликда аппроксимацияловчи янги схемалар қуришга бағишланган.

Энди $F(t,v)=\exp(tC)f(P,v)$, $P\in K^p$, $v\in Q$ ва $f:P\times Q\to coK^d$ – узлуксиз бўлсин. Ихтиёрий $\omega\in\Omega$, учун

$$\bar{F}_i=\bigcap_{v\in Q}\int_i \exp(tC)dtf(P,v),\ \bar{F}(\omega)=\sum_{k=1}^{n}\bar{F}_i$$

белгилашларни киритамиз.

1-лемма. Ихтиёрий $\omega\in\Omega$ учун $\bar{F}(\omega)\subset W^F$ муносабат ўринлидир.

Таъкидлаймизки, $\bar{F}(\omega)$ тўплам ω бўлаклаш майдаланган сари монотон ўсиб W^F интегрални қуйидан аппроксимациялайди.

6-теорема. $cl\{\bigcup_{\omega_n\in\Omega}\bar{F}(\omega_n)\}=W^F$ тенглик ўринлидир.

Қуйидаги теорема W^F, $\bar{F}(\omega)$ тўпламлар яқинлигини баҳолайди.

Энди $W^F=\int_0^\tau \bigcap_{v\in Q}\exp(tC)f(P,v)dt$ ва $\bar{F}_i=\bigcap_{v\in Q}\int_i \exp(tC)dtf(P,v)$.

ω – ихтиёрий бўлаклаш Ω тўпламдан олинган ва $\delta=\max_{1\le i\le n}\delta_i$.

7-теорема. Қуйидаги тенгсизлик ўринли

$$h[\,W^F,\bar{F}(\omega)\,]\le L\delta,$$

бу ерда $L=2|C|e^{2\tau|C|}|f|,|f|=\max_{v\in Q}|f(P,v)|$.

Биринчи бобнинг тўртинчи параграфида дифференциал мансублик учун қувишнинг биринчи тўғри усули интегралини дифференциал ўйин бошланғич берилганларининг бир томонлама ўзгаришига нисбатан яримбарқарор эканлиги исботланган.

Диссертациянинг “**Дифференциал мансубликлар учун қувишнинг умумлашган биринчи тўғри усули интегралини аппроксимациялаш**” деб номланган иккинчи боби тўртта параграфдан иборат бўлиб, у қувишнинг умумлашган биринчи тўғри усули интегралининг аппроксиматив хоссаларини ўрганишга бағишланган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфида дифференциал мансублик учун қувишнинг умумлашган биринчи тўғри усули интеграли қувишни стробоскобик стратегиялар синфида белгиланган вақтда тугаллаш учун зарур ва етарли эканлиги исботланган.

Барча ўлчовли ёпиқ қийматли $A(\cdot):I\to C^d$ (мос равишда ўлчовли компакт қийматли $A(\cdot):I\to K^d$) ва қуйидаги шартни қаноатлантирувчи

$$\int_0^\tau A(t)dt \subset M$$

акслантиришлар оиласини $cl\Phi$ (мос равишда $comp\Phi$) билан белгилаймиз.

Ҳар бир $A(\cdot) \in cl\Phi$ учун $W[A(\cdot),\tau] = \int_0^\tau \bigcap_{v\in Q} [A(t) + F(t,v)]dt$ деб оламиз ва $W_{об}^\tau = \bigcup_{A(\cdot)\in cl\Phi} W[A(\cdot),\tau]$ белгилашни киритамиз. $W_{об}^\tau$ ни қувишнинг умумлашган тўғри усул интеграли деб атаймиз.

8-теорема. (1) ўйинда z_0 ҳолатдан τ вақтда қувишни P_B стратегиялар синфида тугаллаш учун

$$z_0 \in W_{об}^\tau$$

бўлиши зарур ва етарлидир.

Юқорида баён қилинганлар муносабати билан (1) ўйинда қувишни тугаллаш масаласини ечиш учун $W_{об}^\tau$ ни ҳисоблаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги келиб чиқади. Аммо кўпчилик ҳолларда $W_{об}^\tau$ ни аниқ ҳисоблаб бўлмайди. Шу муносабат билан бу интегрални тақрибий ҳисоблаш ва унинг аппроксиматив хоссаларини ўрганиш масаласи келиб чиқади. Таъриф бўйича $W_{об}^\tau$ ни ҳисоблаш учун барча ўлчовли ёпиқ қийматли акслантиришлар бўйича бирлашма олиш керак. Бундан қуйидаги савол келиб чиқади: соддароқ тузилишга эга бўлган ва $W_{об}^\tau$ ни тақрибий ҳисоблаш учун етарли бўлган, ўлчовли ёпиқ қийматли акслантиришлар оиласининг бирор қисм оиласини ажратиб олиш мумкинми?

Диссертациянинг иккинчи боби иккинчи параграфи юқорида қўйилган саволга $W_{об}^\tau$ таърифидаги қатнашувчи бирлашмани компакт қийматли, бўлакли – ўзгармас, узлуксиз ва кўпёқли қийматли бўлакли – ўзгармас акслантиришлар синфигача торайтириш орқали жавоб берилади.

9-теорема. Қуйидаги тенглик ўринли

$$W^\tau = \bigcup_{A(\cdot)\in comp\Phi} W[A(\cdot),\tau].$$

Барча ўлчовли $B(t), t \in I$ ва t нинг ҳар бир қийматида $B(t)$ учлари рационал координатали нуқталарда бўлган кўпёқликдан иборат ва қуйидаги шартни қаноатлантирувчи

$$\int_0^\tau B(t)dt \subset M + \varepsilon K \quad \left(\int_0^\tau B(t)dt \subset M \overset{*}{-} \varepsilon K\right)$$

акслантиришлар оиласини Π^ε (мос равишда Π_ε) билан белгилаймиз. Бу ерда $K = \{x = (x_1, x_2, ..., x_d \mid |x_i| \le 1\} -$ R^d фазодаги бирлик куб.

Энди W^τ таърифида қатнашувчи ўлчовли ёпиқ қийматли акслантиришлар оиласини, бўлакли-ўзгармас қиймати Π^ε да бўлган акслантиришлар оиласигача торайтирамиз.

10-теорема. Қуйидаги муносабат ўринлидир

$$W^{\tau} \subset \bigcap_{\varepsilon>0} \bigcup_{\hat{B}(\cdot)\in\Pi^{\varepsilon}} W[\hat{B}(\cdot),\tau] \subset W_2^{\tau},$$

бу ерда $\hat{B}(\cdot)$ – бўлакли-ўзгармас ва Π^{ε} оилага мансуб.

3-натижа. Қуйидаги тенглик ўринлидир

$$\bigcap_{\varepsilon>0} \bigcup_{A(\cdot)\in cl\Phi^{\varepsilon}} W[A(\cdot),\tau] = \bigcap_{\varepsilon>0} \bigcup_{\hat{B}(\cdot)\in\Pi^{\varepsilon}} W[\hat{B}(\cdot),\tau],$$

бу ерда $\hat{B}(\cdot)$ – бўлакли-ўзгармас ва Π^{ε} оилага мансуб, W_2^{τ} - альтернирланган интеграл.

Юқоридаги тенглик қуйидагича талқинга эга:

агар $z_0 \in \bigcap_{\varepsilon>0} \bigcup_{\hat{B}(\cdot)\in\Pi^{\varepsilon}} W[\hat{B}(\cdot),\tau]$ бўлса, (1) ўйинда z_0 ҳолатдан M терминал тўпламнинг ихтиёрий ε атрофида қувишни τ вақтда P_B стробоскопик стратегиялар синфида тугатиш мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби учинчи параграфида $A(\cdot)$ акслантириш узлуксиз, бўлакли ўзгармас бўлган ҳолларда $W[A(\cdot),\tau]$ интегрални юқоридан ва қуйидан берилган аниқликда аппроксимацияловчи турли янги соддалаштирилган схемалар келтирилган.

Иккинчи бобнинг тўртинчи параграфида дифференциал мансублик учун қувишнинг биринчи тўғри усули интеграли $W_{об}^{\tau}$ ва $W[A(\cdot),\tau]$ интегрални дифференциал ўйин бошланғич берилганларининг бир томонлама ўзгаришига нисбатан ярим барқарор эканлиги исбот қилинган.

Диссертациянинг **«Дифференциал мансубликлар учун альтернирланган интеграл ва унинг ночиқли бошқарув системаларидаги яқинлашиш масаласига татбиғи»** номли учинчи боби альтернирланган интеграл учун янги аппроксимацион схемалар қуриш масаласига багишланган.

$I=[0,\tau]$ кесманинг ихтиёрий бўлакланиши ω бўлсин, яъни $\omega\in\Omega$. S^i хусусий йиғиндиларни қуйидаги рекуррент формула билан аниқлаймиз

$$S^0 = M,\ S^i = \bigcap_{\upsilon[\bullet]\in Q(\Delta_i)} \left[S^{i-1} + \int_i F(t,\upsilon(t))dt \right],\ S(\omega) = S^n, i = 1,2,...n. \qquad (3)$$

$S(\omega)$ тўпламни альтернирланган йиғинди, $W^{\tau}(M) = \bigcap_{\omega\in\Omega} S(\omega)$ тўпламни эса дифференциал мансубликлар учун Понтрягиннинг юқори альтернирланган интеграли деб атаймиз.

Учинчи бобнинг биринчи параграфида дифференциал мансублик учун альтернирланган интегралнинг ярим группавий хоссалари аниқланган ва бу хоссалар учун рекуррент муносабат исботланган, шунингдек унинг ночизиқли бошқарув системалардаги яқинлашиш масаласига татбиғи келтирилган.

Альтернирланган интегралнинг таърифида кўп қийматли акслантириш-ни интеграллаш амали қатнашиб, бу амал амалиётда кўп қийматли

акслантиришнинг барча ўлчовли бир қийматли кесимлари бўйича бирлашма амалига тенг кучлидир. Бу ҳолат альтернирланган интегральни квазичизиқли ўйинлар учун, дифференциал мансубликлар учун аниқланганда яъни геомерик айирма амалини барча ўлчовли функциялар оиласи кесишмаси билан алмаштирилганда янада чуқурлашади. Шунинг учун альтернирланган интеграл учун соддалаштирилган схемалар ишлаб чиқиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Чизиқли дифференциал ўйинлардаги альтернирланган интеграл учун биринчи соддалаштирилган схема М. С. Никольский томонидан таклиф қилинган. А. Азамов ишларида умумий ҳолларда альтернирланган интеграл учун соддалаштирилган схемалар таклиф қилинган.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида дифференциал мансублик учун қувиш масаласидаги умумлашган биринчи тўғри усул интеграли воситасида альтернирланган интеграл учун янги соддалаштирилган схемалар таклиф қилинган.

$F(t,v)$ кўп қийматли акслантириш узлуксизлик модулини $\alpha(\delta)$ билан белгилаймиз ва $\omega \in \Omega$ бўлсин. Белгилаймиз $L^0 = M$,

$$L^i = \int_i \bigcap_{v \in Q} [\frac{1}{\delta_i} L_{i-1} + 2\alpha(\delta_i)H + F(t,v)]dt, \quad L(\omega) = L^n. \tag{4}$$

$L^\tau(M) = \bigcap_\omega L(\omega)$ тўпламни аниқлаймиз.

11-теорема. Агар $M \in C^d$, у ҳолда

$$W^\tau(M) = L^\tau(M).$$

Таъкидлаш жоизки, (4) схеманинг (3) схемадан фарқи шундаки, унда ҳар бир ҳусусий сумма L^{i-1} га $2\delta_i\alpha(\delta_i)H$ қўшилувчи қўшиш билан ҳосил қилинади. Агар L^i бу қўшилувчисиз қурилса, умумий ҳолда $L^\tau(M) \subset W^\tau(M)$ муносабат ўринли бўлади.

Қуйидаги схема чизиқли дифференциал ўйинлар учун Н. Сатимов томонидан киритилган бўлиб, ўзида Л.С.Понтрягиннинг биринчи ва иккинчи тўғри усуллари элементларини ифодалайди.

$\omega \in \Omega$ ва

$$B^0 = M, \quad B^i = \bigcup_{A(\cdot)} \int_i \bigcap_{v \in Q} \left[A(t) + F(t,\upsilon)\right]dt \text{ бўлсин,}$$

бу ерда бирлашма барча $A(\cdot) \in \Phi\left(\Delta_i, B^{i-1}\right)$ бўйича олинади, ва

$$B(M,\omega) = B^n, \; B^\tau(M) = \bigcup_\omega B(M,\omega).$$

Энди қўшимча қўшилувчи фақат терминал тўпламга қўшиладиган схемаларни келтирамиз, бу эса схема қуришни анча соддалаштиради. Ўша $I = [0,\tau]$, $\omega \in \Omega$. Белгилаймиз

$$D^0 = M, D^i = \int_i \bigcap_{v \in Q} [\frac{1}{\delta_i} D^{i-1} + F(t,v)]dt.$$

$$D(\omega)=D^n,\ \ D^\tau(M)=\bigcup_{\omega\in\Omega}D(\omega)$$ тўпламларни аниқлаймиз.

12-теорема. Агар $M\in C^d$ бўлса,

$$W^\tau(M)=\bigcap_{\varepsilon>0}D^\tau(M+\varepsilon H)$$

тенглик тўғридир.

13-теорема. Агар $M\in C^d$ бўлса,

$$W^\tau(M)=\bigcap_{\varepsilon>0}B^\tau(M+\varepsilon H)$$

тенглик тўғридир.

Таъкидлаймизки, теорема 13 қуйидагича талқин қилиниши мумкин:

Агар M – R^d фазонинг ёпиқ қисм тўплами ва $z_0\in W^\tau(M)$ бўлса, у ҳолда (1) ўйинда z_0 ҳолатдан қувишни белгиланган τ вақтда M терминал тўпламнинг ихтиёрий ε-атрофида бўлакли стробоскопик стратегиялар синфида тугатиш мумкин.

Энди альтернирланган интегрални қуйидан баҳоловчи схемаларни келтирамиз.

14-теорема. Агар $M\subset R^d$ бўлса, у ҳолда қуйидаги

$$\bigcup_{\varepsilon>0}W^\tau\left(M\overset{*}{-}\varepsilon H\right)=\bigcup_{\varepsilon>0}D^\tau\left(M\overset{*}{-}\varepsilon H\right)$$

тенглик тўғридир.

15-теорема. Агар $M\subset R^d$ бўлса,

$$\bigcup_{\varepsilon>0}W^\tau\left(M\overset{*}{-}\varepsilon H\right)=\bigcup_{\varepsilon>0}B^\tau\left(M\overset{*}{-}\varepsilon H\right)$$

тенглик ўринлидир.

Учинчи параграфда $\dot z(t)\in F(t,u)$ ($F-$узлуксиз компакт қийматли акслантириш) кўринишидаги дифференциал мансубликлар билан тавсифланувчи қувиш ўйинлари учун қуйи альтернирланган интегралнинг аппроксиматив хоссаларини ўрганишга бағишланган. Унинг учун рекуррент формула исботланган ва янги соддалаштирилган аппроксимацион схемалар қурилган. Қуйи интегралга тегишли бўлган барча бошлангич ҳолатлар учун қувувчининг ўйинни τ вақт ичида тугатувчи бўлакли – ўзгармас реализацияга эга бўлган стратегияси мавжудлиги исботланган.

Учинчи бобнинг тўртинчи параграфида квазичизиқли дифференциал ўйинлар учун юқори ва қуйи альтернирланган интеграллар учун иккиламчилик хоссаси исботланган ва унинг қувиш масаласига татбиғи ўрганилган.

Қуйидаги дифференциал ўйинни қараймиз

$$\dot z=f(t,u,v) \tag{5}$$

бу ерда $z\in R^d, t\in I, u\in P, v\in Q, P\in coK^p, Q\in coK^q$ и $f:I\times P\times Q\to R^d$ – узлуксиз функция. $M\in C^d$, M – терминал тўплам.

$W^\tau(M)$ ва $W_\tau(M)$ орқали квазичиқли дифференциал ўйинлар учун Понтрягиннинг юқори ва қуйи альтернирланган интегралларини

белгилаймиз.

Қуйидаги теоремалар квазичизиқли дифференциал ўйинлар учун альтернирланган интегралнинг иккиламчилик принципини ўрнатади.

16-теорема. Агар $M \in \mathrm{co}C^d$ ва $f(t,P,v)$ тўплам ихтиёрий $t \in I, v \in Q$ лар учун қаварик бўлса, у ҳолда

$$W^{\tau}(M) = \bigcap_{\varepsilon>0} W_{\tau}(M + \varepsilon H) \tag{6}$$

тенглик ўринлидир.

17-теорема. Агар $M \subset R^d$ бўлиб, қаварик ёпик тўлдирувчига эга ва ихтиёрий $t \in I$ ва $u \in P$ учун $f(t,v,Q)$ тўплам қаварик бўлса, у ҳолда

$$W_{\tau}(M) = \bigcup_{\varepsilon>0} W^{\tau}(M \overset{*}{-} \varepsilon H) \tag{7}$$

тенглик тўғридир.

Таъкидлашимиз жоизки, (6) и (7) тенгликлар ва уларнинг ўйинчилар маълумотлилик муаммосига татбиғи биринчи марта чизиқли дифференциал ўйинлар учун А. Азамов томонидан ўрнатилган.

Ночизиқли дифференциал ўйинлар тузилиши чизиқли дифференциал ўйинлардаги Понтрягиннинг иккинчи тўғри усулининг табиий умумлашмаси сифатида киритилган $\tilde{T}^t$ ва $\tilde{\Pi}^t$ операторлар орқали тафсифланади.

